

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хутбада йиғлашлари



15:02 / 29.11.2018 6281

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хитоб қилиб:

“Икки буюк нарсани унутманглар - жаннат ва жаҳаннамни!” дедилар ва йиғлай бошладилар. Ҳатто кўз ёшлари муборак соқолларини ҳўллади. Сўнгра сўзларини давом эттирдилар:

“Муҳаммаднинг нафси измида бўлган Аллоҳга қасам! Агар сизлар охират ишларидан мен билганларимни билганингизда, албатта тоғларга кетардингиз ва бошлариниғизга тупроқ сочардингиз”.

“Қалбимизнинг нури” китобидан